



**«BIOKIMYO» АЖ нинг 2020 йил биринчи ярим йиллик
молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ички аудит
хизмати текшируви бўйича Аудиторлик ҳисоботи**

Мундарижа

1 КИРИШ ҚИСМ.....	3
1.1 ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР.....	3
2 ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ.....	4
2.1 БИЗНЕС-РЕЖА БАЖАРИЛИШНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.....	4
2.2 КОРПОРАТИВ БОШҚАРИШ ПРИНЦИПЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.....	5
2.3 КОРХОНАНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯ ҲИСОБОТИ ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.....	6
2.3.1 <i>Товар моддий захиралари(ТМЗ) аудити.</i>	7
2.3.2 <i>Асосий воситалар Аудити.</i>	7
2.3.3 <i>Узоқ муддатли инвестициялар аудити</i>	8
2.3.4 <i>Касса ва касса операциялар аудити.</i>	9
2.3.5 <i>Банкдаги асосий ва бошқа ҳисобрақамлар аудити.</i>	9
2.3.6 <i>Ҳисоб-китоб-тўлов тартиби аудити</i>	10
2.3.7 <i>Даромадлар ҳисоби аудити.</i>	12
2.3.8 <i>Харажатлар ҳисоби аудити.</i>	13
2.4 СОЛИҚ ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР ҲИСОБЛАНИШИ ВА ТЎЛАНИШИ АУДИТИ.....	13
2.4.1 <i>Акциз солиғи</i>	14
2.4.2 <i>Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.</i>	14
2.4.3 <i>Юридик шахслар мол-мулк солиғи.</i>	15
2.4.4 <i>Ижтимоий солиқ ҳисоби аудити.</i>	15
2.4.5 <i>Жисмоний шахслардан даромад солиғи ҳисоби аудити.</i>	15
2.4.6 <i>Қўшилган қиймат солиғи.</i>	16
2.4.7 <i>Юридик шахслар фойда солиғи ҳисоби.</i>	16
2.5 МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ПАЙТИДА ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ.....	16
2.6 ИЧКИ НАЗОРАТНИНГ ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.	17
3 ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛ ТАҲЛИЛИ	18
4 ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	18

1 КИРИШ ҚИСМ.

Биз ички аудит хизмат вакиллари, Холмирзаев А.А ва Баратов О.А. «КОРХОНАЛАРДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТ ТЎҒРИСИДА» ги Низом (кейинги ўринларда НИЗОМ) га асосан «BIOKIMYO» акционерлик жамияти (кейинги ўринларда ЖАМИЯТ) ички аудит текшируви натижаларини ўз ичига олган Низомнинг 12 банди талаблари доирасида 2020 йил биринчи ярим йиллик учун ҳисобот тайёрладик.

Молиявий ҳисоботларни тайёрланиши ва ишончилиги учун хўжалик юритувчи субъект раҳбари жавобгар, биз ҳисоботлар бўйича берилган хулоса юзасидан жавобгар ҳисобланамиз.

Куйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

-кузатувчи кенгашни ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

-ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

Ушбу вазифаларни бажариш учун ички аудит хизмати томонидан бухгалтерия ва молиявий ҳисоботлар назорати шаклида аудит текшируви ўтказилди. Текширув натижаларига ҳисобот тайёрланди ва ҳисобот ўз мазмунига кўра қуйилдаги қисмлардан иборат:

- 2019-йилга белгиланган бизнес режа амал қилиш кўрсаткичлари;
- Молиявий ҳисоботлар ва бухгалтерия ҳисоби ҳолати;
- Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисобланиши;
- Молиявий хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонунчиликка риоя этилиши;
- Ички назорат ҳолати.

Ички аудит ҳисоботи 2020-йил 1 январдан 30 июнь оралиғидаги ҳисоб циклини ўз ичига олади. Текширув жараёнида тақдим қилинган ҳужжатлар ҳаққонийлиги, ҳақиқийлиги текширилмади. Текширувдан кейин қилинган ҳужжатлар текширувдан четда қолган ҳужжатлар жавобгарлиги жамият ҳисоб раҳбарлари жавобгарлигида.

Аудиторлик текширувидан ўтказилаётган даврда жамиятда биринчи ва иккинчи даражали имзо ҳуқуқида қуйидаги шахслар ишлаб келмоқда:

Бошқарув раиси - Хайдаров У.А.

Бош ҳисобчи – Меметова К.А.

1.1 ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР.

«BIOKIMYO» АЖ (кейинги ўринларда «Жамият») Ўзбекистон Республикаси Мулк Қўмитаси Тошкент вилояти Бошқармасининг 1994 йил 30 майдаги 271 сонли ва 1995 йил 17 июльдаги 994 сонли буйруқларига мувофиқ Янгийўл БИОХИМ заводини қайта ташкил этиш йўли билан ташкил этилган. Жамият ўз фаолиятини Тошкент вилояти худудида олиб боради.

Жамият амалдаги устави акциядорларнинг 2018 йил 26 июньдаги навбатдан ташқари йиғилишида тасдиқланган. Унга кўра жамият устав фонди миқдори 9 569 744 000 сўм, номинал қиймати 3350 (Уч минг уч юз эллик сўм) бўлган 2 856 640 дона акциядан иборат. Жамият акциядорлари таркиби:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги улуши 4 880 548 000 сўм(51%);
- Жисмоний ва бошқа юридик шахслар улуши 4 690 196 000 сўм(49%).

Жамият уставига кўра фаолиятининг асосий йўналиши қуйидагилардан иборат:

- Озуқа ва техник спирт ишлаб чиқариши ва сотиш;
- Иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Микробиологик маҳсулот ва парфюмерия, косметика буюмлари ишлаб чиқариш ва сотиш.

Жамият юқоридаги асосий фаолият соҳасидан ташқари қуйидаги қўшимча фаолият турлари билан ҳам шуғулланиши мумкин:

- Қурилиш монтаж ишлари ишга тушириш ва созлаш;
- Сервис хизмати ва маҳсулот харид қилиш;
- Биноларни, кўчмас ва кўчар мулкларни ижарага бериш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш.

Жамият жойлашган ери ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 112004 Тошкент вилояти Янгийўл шаҳри, Кимёгар 1.

2 ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ

2.1 БИЗНЕС-РЕЖА БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

Бизнес режа бажарилиши буйича ички аудит текшируви мақсади:

- Бизнес режа бажарилишининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили;
- унинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда айбдор мансабдор шахслар шахсан кўрсатилган ҳолда аниқланган сабаблар баёни.

Жамият бизнес режаси 2020 йилдаги унинг асосий фаолияти мақсадларини амалга ошириш учун келтирилган кўрсаткичларидир. Жамият фаолиятининг асосий мақсади фойда олиш ва дивиденд тўлаш учун етарли даражада активлар билан таъминланган.

Жамият томонидан тақдим қилинган маълумотлар кўрсаткичлар аудит томонидан таҳлил қилинди ва бизнес режа бажарилиши буйича текширув ўтказилди. Қуйидаги жадвалда ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг бизнес режага нисбатан бажарилиши таҳлили келтирилган:

«BIOKIMYO» АЖнинг 2020-йил биринчи яримйиллик бизнес режа бажарилиши таҳлили (ишлаб чиқариш кўрсаткичлари)

№	Номлари	Ўлч. бир.	режада	Ҳақиқатда	Фарқлар	% бажарил
1	Товар (иш, хизматлар) улгуржи нархларда (ККС ва акцизсиз)	млн сўм	81794	85 479	3685	104.5
2	Истеъмол товарлари (ароқ ва вино маҳсулотларини билан бирга) ККСсиз	млн сўм	2 374	2 900	526	122.2
3	Саноат маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, натурал кўрсаткичларда					
4	Спирт пишевой	минг дал	687.0	701.6	14.600	102.1
5	Спирт технич	минг дал	30.0	42.7	12.700	142.3
6	Пар технолог	минг Гкал	1.320	1.71	0.390	129.5
7	Газ бражение	минг тонна	1.20	1.45	0.250	120.8
8	Барда жидкая	минг тонна	74.1	75.6	1.5	102.0

Юқоридаги маълумотлардан шуни кўрсатадики, бизнес режа ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳақиқатда режа ортиғи билан бажарилган. Хусусан истеъмол спирт 2020 йил биринчи яримйиллик режага кўра 687 минг дал кўрсатилган бўлса, ҳақиқатда 701.6 минг дал ишлаб чиқарилган. Техник спирт ишлаб чиқариш режага кўра 30.0 минг дал кўрсатилган ҳолда, ҳақиқатда ушбу кўрсаткич 42.7 минг дални ташкил этган.

Истеъмол спирти ишлаб чиқариш бизнес режага нисбатан 102.1% бажарилган бўлса, техник спирт ишлаб чиқариш бизнес режаси 142.3% га бажарилган.

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ миқдорий кўрсаткичлардан барчаси режа доирасида бажарилган.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг улгуржи нархлари кўрсаткичи 104.5% га бажарилган бўлиб, бизнес режада белгиланган норма 81794 млн сўм келтирилган ҳолда 85479 млн сўм ҳақиқатда бажарилган.

Бизнес режа молиявий кўрсаткичлари бажарилиши аудит қилинганда қуйидагилар аниқланди.

**«BIOKIMYO» АЖнинг 2020-йил 1 яримйилик бизнес режа бажарилиши таҳлил
(молиявий кўрсаткичлар)**

№	Кўрсаткичлар	Ўлч. бир.	Режада	Ҳақиқатда	Фарқлар	% бажарилиши
1	Маҳсулот сотишдан тушум	млн сўм	103 327	109 515	6188	106.0
2	Акциз	млн сўм	6 757	8 056	8 115	59
3	Кўшилган қиймат солиғи	млн сўм	5 926	13 477	13 928	451
4	Сотишдан соф тушум	млн сўм	63 677	81 794	87 471	5678
5	Сотилган маҳсулот таннархи	млн сўм	48 086	66 012	69 173	3161.254
6	Ялпи тушум	млн сўм	15 591	15 782	18 298	2516.295
7	Давр харажатлари	млн сўм	6 308	6 094	8 254	2160.214
8	Сотиш харажатлари	млн сўм	109	122	12.294	111.3
9	Маъмурий харажатлар	млн сўм	2 154	1 370	-783.886	63.6
10	Бошқа операцион харажатлар	млн сўм	3 831	6 763	2931.806	176.5
11	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	млн сўм	750	3 612	2862.341	481.6
12	Солиқ тўлагунга қадар фойда	млн сўм	9 885	13 462	3576.853	136.2
13	Фойда солиғи	млн сўм	1 321	2 300	979.465	174.2
14	Соф Фойда	млн сўм	8 564	11 161	2597.389	130.3

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга кўра соф фойда 130.3% миқдорда бажарилган, яъни режада 8564 млн сўм кўрсатилган ҳолда, ҳақиқатда ушбу кўрсаткичлар 11161 млн сўмни ташкил этган. Соф фойда ортишига сабаб, маҳсулот сотиш ҳажми кескин ортиши, давр харажатларининг соф фойдага нисбатан тўғри келадиган қисми камайиши ҳисобига шакллланган. Умумий равишда бизнес режа кўрсаткичлар бажарилишини ижобий баҳолиш мумкин. Бизнес режа кўрсаткичлари барча муҳим жабҳалари бўйича ортиғи билан бажарилган.

2.2 КОРПОРАТИВ БОШҚАРИШ ПРИНЦИПЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.

Аудит мақсади:

- корхона бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг самаралилиги, унинг қатнашчилари (акционер)нинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши таҳлили;
- корпоратив бошқариш соҳасида қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари баёни (таъсис ҳужжатларига риоя қилиш, умумий йиғилишлар ва корхона бошқарув органлари мажлислари ўтказилиши, дивидендлар тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши ва ҳоказолар);

Корпоратив бошқарув принципларига риоя қилиниши аудитини ўтказишда жамият таъсис ҳужжатлари уларни бажарилиши бўйича ишлар текширилди. Жамият 2020 йил давомида ўз устави доирасида фаолият юритади. Жамият 2020 йил 1 яримйиллик давомида кузатув кенгаши қуйидаги йиғилиши ўтказилган:

- Кузатув кенгашининг 2020 йил 28 январдаги 10 сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 18 февралдаги 11 сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 28 мартдаги 12 сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 8 апрелдаги 13 сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 29 апрелдаги 14 сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 5 майдаги 15 сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 30 майдаги 16 сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 22 июндаги 17 сонли йиғилиши.

Кузатув кенгашининг 2020 йил 28 январидagi йиғилишида ички аудит хизмати 2020 йил учун сметаси, корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш, 2020 йил учун аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларини танлаш масалари кўриб чиқилган. 2020 йил 18 февралдаги йиғилишда эса 2020 йил бўйича бизнес режа асосий кўрсаткичлар бажарилиши, 2020 йил бўйича якуний молиявий иқтисодий натижалар таҳлили корпоратив маслаҳатчисининг 2019 йил фаолияти ҳисоботи муҳокамага қўйилган. 2020 йил 1 яримйилликнинг сўнгги йиғилишида жамиятнинг ҳам жисмонан ҳам манан эскирган асосий воситаларини ҳисобдан чиқариб сотиш масаласи муҳокамага қўйилган. Шунингдек кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси миноритар қўмитаси таркибига номзодлар танлаш каби масалалар ушбу ўтказилган йиғилишларда муҳокама қилинган. Жамият бошқарув органлари томонидан қабул қилинган қарорлар жамият муассислари ҳуқуқ ва манфаатларига зид келмайди, корпоратив бошқарув принциплари бузилиш ҳолатлари аниқланмади.

2.3 КОРХОНАНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯ ҲИСБОТИ ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ Тўғрисидаги Ҳисобот.

Аудит мақсади:

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

аниқланган бухгалтерия ҳисоботини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган тартиби бузилишининг тавсифи.

Аудит текшируви ўтказишда:

- Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи тузилиши ва юритилиши таҳлили;
- Молиявий ҳисоботлар тузилиши бўйича ишлар таҳлили;
- Бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни тузишда қонун ҳужжатларига риоя қилмаслик бўйича хатолар аниқлаш бўйича ишлар олиб борилди.

Жамият бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш тартиби жамият ҳисоб сиёсатида келтирилган ва ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Бухгалтерия ҳисобини юритиш учун керакли синтетик ва аналитик(таҳлилий) ҳисоб варақлар тўғрилиги ва тўлиқлиги;
- Бирламчи ва бухгалтерия ҳисоботлари ҳужжат шакли;
- Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш тартиби
- Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш;
- Бухгалтерия ҳисоботлари таркибий қисмларини баҳолаш;
- Ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш усуллари ва ҳужжатлар айланмалари тартиби;
- Хўжалик операциялар назорати тартиби;
- Бухгалтерия ҳисобини юритишдаги бошқа қарорлар.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС) № 1 “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”(МВда 26.07.1998йил № 17-07/86 сон билан тасдиқланган АВда 14.08.1998 йилда №474 сон билан рўйхатга олинган) асосан “Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузиш учун фойдаланадиган махсус тамойилларни, конвенцияларни, тартиб ва амалий ёндашувларни ифодалайди... Янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъект танлаб олган ҳисоб сиёсатини ушбу бандга мувофиқ молиявий ҳисобот биринчи марта эълон қилингунга қадар, лекин давлат рўйхатидан ўтиб юридик шахс ҳуқуқини олган кундан бошлаб 90 кундан кечиктирмай расмийлаштиради. Субъект танлаб олган ҳисоб сиёсати юридик шахс ҳуқуқини олган (давлат рўйхатидан ўтган) кундан бошлаб қўлланиш мумкин бўлган сиёсат ҳисобланади.” Корхона ўзининг ҳисоб сиёсатига эга. Жамият ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қабул қиладиган усуллар келтириб ўтилган. Жамиятда бухгалтерия ҳисоби 1С бухгалтерия дастурий таъминоти ёрдамида олиб борилади. Жамият ҳисоб сиёсати “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун ва БҲМС талабларига жавоб беради.

2.3.1 Товар моддий захиралари(ТМЗ) аудити.

Текширув натижасида:

- ТМЗлар бухгалтерия ҳисоби 1С дастурий таъминотида миқдор ва қиймат бирлигида юритилган. Омбордаги ТМЗлар ҳаракати миқдор бирлигида юритилган.
- Ҳисобот даври боши ва охиридаги ТМЗ қолдиқлари баланс(1-шакл ҳисобот) 150 сатрига мос келади.
- ТМЗлар кирими тегишли ҳужжатлар(счет фактура, ишончномалар) билан ўз вақтида амалга оширилади.
- Барча ТМЗ моддий жавобгарлик шартномалари тузилган ходимларга бириктирилган.
- Моддий қийматликлар чиқими бўйича комиссия белгиланши бўйича буйруқлар мавжуд. Омбордаги ТМЗлар тегишлиюк хатларисиз ёки жамият раҳбари томонидан тасдиқланган чиқим далолатномаларисиз чиқим қилинмайди.

ТМЗлар ҳаракати бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши танлаб текширилди. Ҳисоб таҳлилий қисми маълумотлари бош китоб билан мос келади.

Счет	Давр бошига қолдиқ	Дебет оборот	Кредит оборот	Давр якунига қолдиқ
10	12 383 605 289.15	163 899 430 017.88	167 852 183 052.15	8 430 852 254.88
10.10	10 723 441 583.85	161 246 392 861.58	165 172 847 983.37	6 796 986 462.06
10.20		29 224 800.00	29 224 800.00	
10.30	62 565 661.77	200 427 661.76	209 596 383.70	53 396 939.83
10.40	279 542 038.35	179 226 853.76	177 316 288.39	281 452 603.72
10.50	226 558 960.55	199 948 946.37	203 225 708.75	223 282 198.17
10.60	20 632 609.80	461 085 376.72	461 106 910.06	20 611 076.46
10.80		4 952 550.00	4 952 550.00	
10.90	282 404 672.04	174 268 780.80	94 259 888.31	362 413 564.53
15	788 459 762.79	1 403 902 186.89	1 499 652 539.57	692 709 410.11
15.10	12 182 039.73	11 437 275 388.09	8 789 132 744.75	2 660 324 683.07
15.20	12 182 039.73	141 968 851.20	135 187 669.53	18 963 221.40
16		11 295 306 536.89	8 653 945 075.22	2 641 361 461.67
16.10		250 375 969.00	222 254 941.00	28 121 028.00
20		250 375 969.00	222 254 941.00	28 121 028.00
20.10		75 418 392 859.55	75 418 392 859.55	
21		75 418 392 859.55	75 418 392 859.55	
21.10	1 453 473 972.18	60 944 413 888.66	60 534 111 888.45	1 863 775 972.39
21.20	227 926 394.65	3 521 586 814.97	3 578 668 038.63	170 845 170.99
23	1 225 547 577.53	57 422 827 073.69	56 955 443 849.82	1 692 930 801.40
23.10		68 090 022 547.66	68 090 022 547.66	
25		68 090 022 547.66	68 090 022 547.66	
25.10		282 805 647.48	282 805 647.48	
27		282 805 647.48	282 805 647.48	
27.10	18 144 569.17	215 561 141.66	128 261 146.84	105 444 563.99
27.11		37 434 487.84	37 434 487.84	
28	18 144 569.17	178 126 653.82	90 826 659.00	105 444 563.99
28.10	498 980 780.96	70 257 722 022.87	69 546 985 919.17	1 209 716 884.66

2.3.2 Асосий воситалар Аудити.

Асосий воситалар ҳисоби Ўзб.Р. АВда №1299сон билан рўйхатга олинган “Асосий Воситалар” 5-БХМС ва бошқа бухгалтерия ҳисоби қонун ҳужжатлари доирасида амалга оширилади.

5-сонли БХМС талабларига кўра асосий воситаларга қуйидаги критерияларга жавоб берадиган мол мулклар кирди:

- Хизмат муддати бир йилдан ортқ;

- Қирим қиймати ҳар бири учун Ўз.Р. белгиланган энг кам иш ҳақининг эллик баробаридан орган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатга олинган “1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низом” га мувофиқ асосий фондлар қийматини қайта баҳолаш 1 январь ҳолати бўйича (1 февралгача) қайта баҳолашни ўтказиш даврида нархлар даражасидан келиб чиқиб ўтказилади. Жамиятда 2018 йил 1 январь ҳолатига асосий воситаларни қайта баҳолаш амалга оширилган. Қайта баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси томонидан эълон қилинган коэффицентлар орқали амалга оширилган. Қайта баҳолаш бўйича фарқлар аниқланмади. Бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар давр бошига, охирига ҳамда барча қирим ва чиқимлар қуйидагича акс эттирилган:

Счет	Давр бошига қолдик	Дебет оборот	Кредит оборот	Давр якунига қолдик
01	29 669 959 926.28	4 419 413 603.04	544 103 400.40	33 545 270 128.92
01.11	56 362 717.27	6 087 173.47		62 449 890.74
01.20	5 190 262 320.04	1 036 087 148.77	246 190 196.04	5 980 159 272.77
01.30	20 373 043 122.64	3 198 140 648.29	291 608 889.42	23 279 574 881.51
01.40	162 825 054.99	6 294 777.63	592 054.80	168 527 777.82
01.50	982 837 549.49	4 596 799.00	4 596 799.00	982 837 549.49
01.60	2 285 612 410.15	92 347 924.52		2 377 960 334.67
01.80	407 333 323.70	49 287 367.32		456 620 691.02
01.90	211 683 428.00	26 571 764.04	1 115 461.14	237 139 730.90

Асосий воситаларга эскириш Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида келтирилган нормалардан ошмаган ҳолда корхона ҳисоб сиёсатида белгиланган тартибда тўғри чизиқли усулда ҳисобланган.

Эскириш ҳисоблаш билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоби қонун қоидаларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланмади.

Счет	Давр бошига қолдик	Дебет оборот	Кредит оборот	Давр якунига қолдик
02	19 630 580 955.61	35 991 519.08	2 901 905 100.86	22 496 494 537.39
02.11	14 090 679.21		4 644 287.91	18 734 967.12
02.20	2 974 154 448.00	13 654 619.61	323 392 567.55	3 283 892 395.94
02.30	14 465 690 849.57	22 316 694.65	2 230 488 138.63	16 673 862 293.55
02.40	47 138 508.26		13 041 378.03	60 179 886.29
02.50	784 377 621.10		26 689 984.64	811 067 605.74
02.60	1 004 069 570.17		237 112 033.09	1 241 181 603.26
02.80	203 146 158.24		47 411 664.94	250 557 823.18
02.90	137 913 121.06	20 204.82	19 125 046.07	157 017 962.31

2.3.3 Узоқ муддатли инвестициялар аудити

Узоқ муддатли инвестициялар ҳисобида жамиятнинг бошқа ташкилотларга киритган инвестициялар юритилган. Узоқ муддатли инвестициялар ташкилотлар кесимида қуйидагича (сўмда):

Ташкилот номлари	01 январь 2020	30 июнь 2020
МChJ YANGIYOL MARVARIDI	300 000 000,00	300 000 000,00
МChJ ParkentKonsaltingTexnikServis	50 000 000,00	50 000 000,00
МChJ SINTEZ PROGRESS	83 898 434,07	83 898 434,07
Жами	433 898 434,07	433 898 434,07

2020 йил 1 яримйиллик мобайнида узоқ муддатли инвестициялар таркибида ўзгаришлар амалга оширилмаган. 2020 йил 30 июнь ҳолатида 433 898.0 минг сўм узоқ муддатли инвестициялар счегида акс эттирилган.

2.3.4 Касса ва касса операциялар аудити.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 22 июнь 2015 йилда 2687-сон билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш коидалари», БХМС 15, БХМС 22, пул маблағларини ҳисобга олиш тартибини белгиловчи бошқа меъёрий ҳужжатлар хизмат қилади.

Корхонада нақд пул билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун алоҳида хона мавжуд. Барча маблағлар тегишли тартибда жиҳозланган сейфда сақланади. Нақд пуллар кирими касса кирим ордерларига асосан, чиқими эса ведомостлар ва тегишли буйруқлар ва бошқа тегишли ҳужжатлар илова қилинган касса чиким ордерларига асосан амалга оширилади. Текшириш давомида касса дафтари бетланиб, тикилиб, мухрлангани аниқланди. Кирим ва чиким ордерлари тегишли тартибда расмийлаштирилган, чек дафтарчаси тўлдирилган.

Кирим қилинган пул маблағлари ҳисобрақамдан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган ҳисоблашлар, уруғ чикиндиларни сотишдан тушум, буғ иситиш тизимидан фойдаланганлик учун жисмоний шахслар тўловлари, кишлок хўжалик(картошка) ва бошқа маҳсулотлари(товук) сотишдан тушум манбалари ҳисобига шаклланган.

2.3.5 Банкдаги асосий ва бошқа ҳисобрақамлар аудити.

Ҳисобрақамлар бўйича операциялар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2013 йил 3 июнда 2465-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги НИЗОМ” асосида амалга оширилган.

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2020 йил 1 январ ва 30 июнь ҳолатида пул маблағлари қолдиқлари қуйидагича бўлган:

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2020 ҳолатида	30.06.2020 ҳолатида
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330	0.00	0.00
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100)	340	2 690 246.00	5 533 245.00
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350	0.00	2 342 797.00
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360	2 099.00	9 620.00
Жами		2 692 345.00	7 885 662.00

Пул маблағларининг 2020 йил 30 июнь ҳолатида баланс ва ҳисоб регистрлари маълумотлари солиштирма таҳлили:

Қатор номи	Қатор коди	Айланма сальдоли ведомость	Баланс	Фарк
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330	0.00	0.00	0
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100)	340	5 533 245.01	5 533 245.00	0
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350	2 342 797.16	2 342 797.00	0
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360	9 619.50	9 620.00	-1
Жами		7 885 661.67	7 885 662.00	-0

Жамиятнинг бир неча ҳисобрақамлари мавжуд бўлиб, хусусан пенсия нафақалар ҳисоб китобларни амалга ошириш учун пенсия ҳисобрақамига ҳам эга. Аудитга тақдим қилинган барча банк кўчирмалари ойлик асосда алоҳида папкаларда хронологик тарзда тикилган ва барча операциялар бўйича тасдиқловчи дастлабки ҳужжатлар – счет фактура, бажарилган ишлар ҳақида далолатномалар бор ва мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб китоб ҳужжатларида жамият раҳбариятининг тасдиқлари қўйилган. Банк счёти операциялари танлов асосида текширилди. Барча банк кўчирмалари бирламчи ҳужжатлар билан бирга регистрларда акс этган. Кўчирмалардаги қолдиқ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларидаги қолдиқлар билан мос келади. Банк муомалалари аудитида жиддий хато ва камчиликларга дуч келинмади.

Валюта ҳисобварақ қолдиқлари ҳар ойда тўғридан тўғри қайта баҳолаш орқали қайта баҳоланган.

2.3.6 Ҳисоб-китоб-тўлов тартиби аудити


Ҳисобнинг бу бўлими бўйича меъерий база сифатида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.1995 йилдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилиши учун раҳбарларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг меъерий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъерий ҳужжатлар хизмат қилади.

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2020 йил 1 январ ва 30 июнь ҳолатида дебитор қарзлар қолдиқлари қуйидагича бўлган:

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2020 ҳолатида	30.06.2020 ҳолатида
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220	78 616	2 355 335
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110):	230	0	0
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120)	240	0	0
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	250	707	7 426
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	260	6 321 151	5 855 151
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	270	1 911 255	647 456
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500)	280	51	0
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290	0	0
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300	523 800	448 780
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	2 770 780	587 851
Жами		11 606 360	9 901 999

Дебитор қарзларнинг бухгалтерия счетлари кесимидаги таҳлили:

Счет	Давр бошига қолдиқ	Дебет оборот	Кредит оборот	Давр якунига қолдиқ
40			111 034 903 369.57	2 355 335 420.75
	78 615 905.22	113 311 622 885.10		
40.10	78 615 905.22	106 826 095 504.48	104 571 478 484.92	2 333 232 924.78
40.10.1	78 615 905.22	106 826 095 504.48	104 571 478 484.92	2 333 232 924.78
40.30		4 160 197 706.71	4 138 095 210.74	22 102 495.97
40.40		2 325 329 673.91	2 325 329 673.91	
42	706 758.30	8 132 621 989.03	8 125 903 342.01	7 425 405.32
42.10	706 758.30	8 096 147 926.68	8 089 429 279.66	7 425 405.32
42.20		36 474 062.35	36 474 062.35	
43	6 321 150 955.57	128 858 932 763.33	129 324 932 519.96	5 855 151 198.94
43.10	4 875 139 883.45	121 462 345 612.16	121 682 218 407.41	4 655 267 088.20
43.11		27 230 588.00	25 480 308.00	1 750 280.00
43.12	1 446 011 072.12	7 369 356 563.17	7 617 233 804.55	1 198 133 830.74
44	1 911 255 115.30	27 084 449 126.18	28 348 247 833.92	647 456 407.56
44.08	1 732 959 201.54	12 953 069 462.24	14 686 028 663.78	
44.10		99 476 207.11	68 157 747.20	31 318 459.91
44.11		324 447 176.00	324 447 176.00	
44.25	50 973 493.62	852 313 929.99	419 521 905.00	483 765 518.61
44.28		240 791 947.78	118 346 239.78	122 445 708.00
44.30		9 274 959 252.00	9 274 959 252.00	
44.34		2 171 086.73	2 171 086.73	
44.50	949 408.90	1 153 600 343.24	1 154 549 752.14	
44.90	126 373 011.24	2 183 619 721.09	2 300 066 011.29	9 926 721.04
45	50 773.89	1 192 877 219.16	1 192 927 993.05	
45.15		11 391 526.60	11 391 526.60	
45.16		1 134 735.70	1 134 735.70	
45.21		1 169 714 018.71	1 169 714 018.71	
45.26		10 636 938.15	10 636 938.15	



45.29	50 773.89		50 773.89	
47	523 800 000.00	3 556 205.00	78 576 205.00	448 780 000.00
47.20	523 800 000.00		75 020 000.00	448 780 000.00
47.30		3 556 205.00	3 556 205.00	
48	2 770 779 839.36	14 706 243 084.65	16 889 171 728.80	587 851 195.21
48.20	2 008 620.45	190 018 310.95	185 693 082.40	6 333 849.00
48.60	1 175 169 432.52	6 177 226 938.98	7 352 224 056.38	172 315.12
48.90	1 560 489 124.14	7 722 651 305.72	8 716 109 964.93	567 030 464.93
48.95	4 933 264.02	519 069 174.01	509 795 246.37	14 207 191.66
48.99	28 179 398.23	97 277 354.99	125 349 378.72	107 374.50

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2020 йил 1 январ ва 30 июнь ҳолатида кредитор қарзлар қолдиқлари куйидагича бўлган:

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2020 ҳолатида	30.06.2020 ҳолатида
Жорий мажбуриятлар, жами	600		
шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари	601		
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари*	602		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610	7 956	80
Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110)	620	0	0
Шўба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120)	630	0	0
Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230)	640	0	0
Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)	650	0	0
Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290)	660	0	0
Олинган бўнақлар (6300)	670	266 275	495 025
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680	2 926	437 106
Сугурталар бўйича қарз (6510)	690	0	0
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700	972	1 164
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710	84 105	5 980 415
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720	28 664	18 834
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810)	730	555 662	0
Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840)	740	0	0
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)	750	0	0
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)	760	3 196	35 257

Кредитор қарзларнинг бухгалтерия сётлари кесимидаги таҳлили:

Счет	Давр бошига қолдиқ	Дебет оборот	Кредит оборот	Давр якунига қолдиқ
60	7 956 206.00	7 956 206.00	67 856 979 588.19	67 849 103 422.19
60.10	7 956 206.00	7 956 206.00	61 822 131 364.81	61 814 255 198.81
60.11			25 480 308.00	25 480 308.00
60.12			6 009 367 915.38	6 009 367 915.38
63	266 274 496.73	266 274 496.73	116 515 448 922.32	116 744 199 344.67
63.10	210 818 039.42	210 818 039.42	105 547 738 859.10	105 773 303 942.04
63.10.1	210 818 039.42	210 818 039.42	105 547 738 859.10	105 773 303 942.04
63.30	55 456 457.31	55 456 457.31	8 642 299 749.31	8 643 449 700.58
63.30.1	25 585 795.00	25 585 795.00	7 715 681 005.74	7 745 853 210.75
63.30.2	1 200 000.00	1 200 000.00	325 689 703.16	324 489 703.16
63.30.3	28 670 662.31	28 670 662.31	600 929 040.41	573 106 786.67
63.40			2 325 410 313.91	2 327 445 702.05
64	2 925 931.11	2 925 931.11	28 357 958 986.66	28 792 138 882.11
64.08			14 686 028 663.78	14 796 310 666.50
64.10	2 925 931.11	2 925 931.11	68 157 747.20	65 231 816.09
64.25			324 447 176.00	650 193 583.80
64.28			419 521 905.00	419 521 905.00

64.30			118 346 239.78	118 346 239.78
64.34			9 274 959 252.00	9 274 959 252.00
64.50			2 171 086.73	2 171 086.73
64.90			1 164 260 904.88	1 165 338 320.92
65			2 300 066 011.29	2 300 066 011.29
65.15	972 166.96	972 166.96	1 192 877 219.16	1 193 069 047.76
65.16			11 391 526.60	11 391 526.60
65.21			1 134 735.70	1 134 735.70
65.26	37 500.00	37 500.00	1 169 714 018.71	1 170 831 632.72
66	934 666.96	934 666.96	10 636 938.15	9 711 152.74
66.10	84 104 800.00	84 104 800.00	7 031 102 954.00	12 927 413 586.20
67	84 104 800.00	84 104 800.00	7 031 102 954.00	12 927 413 586.20
67.10	28 663 747.75	28 663 747.75	10 009 237 535.58	9 999 407 913.87
67.11	484 349.52	484 349.52	9 875 642 156.86	9 893 884 558.88
67.12			8 246 000.00	8 246 000.00
68	28 179 398.23	28 179 398.23	125 349 378.72	97 277 354.99
68.10	555 662 435.44	555 662 435.44	679 444 444.44	123 782 009.00
69	555 662 435.44	555 662 435.44	679 444 444.44	123 782 009.00
69.70	3 195 490.00	3 195 490.00	8 052 244 605.94	8 084 305 721.25
69.90			12 027 600.00	12 163 940.80

2.3.7 Даромадлар ҳисоби аудити.

Ҳисобнинг бу бўлими бўйича меъёрий база сифатида:

Солиқ Кодекси; Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 – сонли қарорига илова «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ», 2 - сон БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар» хизмат қилади.

Жамиятнинг асосий мақсади бошқа хўжалик юритувчи субъектлар каби фойда олиш ва куйидаги соҳа фаолияти билан шуғулланиб даромадлар олади:

- Озуқа ва техникспирт ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш ва сотиш;
- Микробиологик маҳсулот, парфюмерия ва косметика буюмлари ишлаб чиқариш ва сотиш.

Асосий фаолиятдан олинган даромадлар

Асосий хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар - хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти давомида вужудга келадиган давр ичида мулк эгаларининг ўз сармояларига бадали билан боғлиқ бўлган кўпайишларни истисно этганда, ўз сармояси кўпайишига олиб келадиган тушумлар.

Жамиятнинг 2020 йил 1 яримйиллик бўйича тузилган 2-сонли Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 010 сатрида 87471264.00 минг сўм асосий фаолиятдан олинган даромад акс этган. Бухгалтерия ҳисобида ҳам 90.10 ҳисобда шунча даромад акс этган. Даромадларнинг турлари бўйича таркиби куйидагилардан иборат:

90	Доходы от основной (операционной) деятельности	87 471 263 671.64
90.10	Доходы от реализации готовой продукции	87 471 263 671.64

Бошқа даромадлар

Бошқа даромадлар - товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинган даромадлар.

2020 йил 1 яримйиллик бўйича шакллантирилган 2-сонли молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 090 сатрида 3612340.8 минг сўм бошқа даромадлар акс этирилган. Бухгалтерия ҳисобида ҳам 93 ҳисобда шунча бошқа даромадлар акс этган.

93	Прочие доходы от основной деятельности	3 612 340 853.70
93.10	Прибыль от выбытия ОС	3 169 190 512.88
93.20	Прибыль от выбытия прочих активов	80 272 629.59

93.50	Доходы от краткосрочной аренды	165 233 313.89
93.60	Доходы от списания кредит и депонент задолженности	173 117.01
93.90	Прочие операционные доходы	197 471 280.33

Молиявий фаолиятдан даромадлар

2020 йил 1 яримйиллик бўйича 2-сонли Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 110-сатрида молиявий фаолият даромадлари сифатида 17413.0 минг сўм акс этган. Ушбу сумма валюта моддаларини қайта баҳолашдан олинган даромадлардан иборат бўлган.

2.3.8 Харажатлар ҳисоби аудити.

Ҳисобнинг бу бўлими бўйича меъёрий база сифатида: Солиқ Кодекси; Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 – сонли қарорига илова «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариши ва сотиши харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириши тартиби тўғрисида НИЗОМ», 21 - сон БҲМС хизмат қилади.

Маҳсулот, иш ва хизматлар таннархи

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 020 сатрида 69173291.00 минг сўм сотилган маҳсулотлар таннархи акс этган. Бухгалтерия ҳисобида ҳам сотилган маҳсулотлар таннархи 91 сатрда тўлиқ акс эттирилган ва ҳисобот маълумотларидан фарқ қилмайди:

91	Себестоимость реализованной продукции	69 173 290 682.29
91.10	Себестоимость реализованной готовой продукции	69 173 290 682.29

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 030 сатрида 18297973 минг сўм ялпи фойда акс этган.

Давр харажатлари

Жамиятнинг 2020 йил 1 яримйиллик бўйича тузилган Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда давр харажатлари 8254415.00 минг сўм бўлиб, шундан сотиш харажатлари 121517.00 минг сўм, маъмурий харажатлар 1370088.00 минг сўм ва бошқа операцион харажатлар 6762810.00 минг сўмни ташкил этган. Давр харажатлари таркиби ўрганилганда хатоликлар аниқланмади. Барча харажатлар “54 Низом” талаблари дорасида гуруҳланганлиги аниқланди.

Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари молиявий ҳисоботларда акс эттирилган маълумотлардан фарқ қилмайди.

Молиявий фаолиятдан харажатлар

2020 йил 1 яримйиллик якунлари бўйича 2-сонли Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 170-сатрида 211759.00 минг сўм молиявий фаолият харажатлари акс этган. Акс эттирилган сўмдан 209778.00 минг сўми фоиз шаклидаги харажатлар ва 1981.0 минг сўми эса валюта моддаларини қайта баҳолашдан олинган зарарлар ташкил этган. Бухгалтерия ҳисоби регистрларида ҳам ушбу ҳолат ўз тасдиғини топди.

2.4 СОЛИҚ ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР ҲИСОБЛАНИШИ ВА ТЎЛАНИШИ АУДИТИ.

Аудит мақсади:

- тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисоб-китоби тўғрилигини баҳолаш;

- солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартиби бузилиши ҳолатларини, солиқ солинадиган базани белгилашда четга чиқишларни баён қилиш.

Жамият умумбелгиланган солиқ тизимидаги солиқ тўловчи бўлиб, қуйидаги солиқлар тўловчиси ҳисобланади:

- Юридик шахслар фойда солиғи;

- Қўшилган қиймат солиғи;

- Акциз солиғи



- Мол мулк солиғи;
- Юридик шахслар ер солиғи;
- Сув ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ;
- Тўлов манбаида ушлаб қолинадиган солиғи;
- Ижтимоий солиқ.

Йил давомида қуйидаги солиқ ажратмалар ҳисобланган ва тўланган:

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ҳисобланган миқдор	Ҳақиқатда тўланган
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	280	2300066	2183620
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	290	1165338	1164237
в том числе: ИНПС	291	9711	10637
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфрас ривожлантириш солиғи	300		
Қўшилган қиймат солиғи	310	5185690	3342449
Акциз солиғи	320	9274959	9274959
Ер ости бойликлардан фойдаланганлик солиғи	330		
Сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи	340	419522	852314
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ	350	65232	99476
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	360	118346	240792
Бошқа солиқлар	400	650194	324447
Республика йўл жамғармасига ажратмалар	410		
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар	420		
Мактаб таълими жамғармасига ажратмалар	430		
Ягона ижтимоий тўлов	440	1170832	1169714
Импорт бўйича божхона божи	450		
Маҳаллий бюджетга йигимлар	460		-51
Бюджетга тўловлар кечиктирилгани учун молиявий жазолар	470		
Жами бюджетга тўловлар суммаси	480	20350179	18651957

2.4.1 Акциз солиғи

Жамият озик овқат спирти ишлаб чиқариш фаолияти бўйича акциз солиғи тўловчиси ҳисобланади. Акциз солиғининг ставкалари мутлақ суммада (қатъий) белгиланган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажми асосида аниқланади.

Этил спирти ишлаб чиқарувчилари учун ҳар бир дал маҳсулотга 10 800 сўм солиқ ставкаси белгиланган.

Жамият 2020 йил 1 яримйиллик учун ДСИ га такдим этилган акциз солиғи ҳисоб китобларида жами 9274959 минг сўм солиқлар ҳисобланган.

2.4.2 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Жамият 2020 йил учун фойдаланиш мўлжалланаётган сув ресурслари, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси ва солиқ суммаси акс этган қуйидагича маълумотнома такдим этилган:

Кўрсаткичлар	Жами	Шу жумладан	
		Ер усти манбаъ	Ер ости манбаъ
1	3	4	5
Солиқ солинадиган база, куб м.	1 834 468	1 800	1 832 668
Белгиланган солиқ ставкаси 1 куб. м (сум)		410	490

Солиқ суммаси (стр. 010 x стр. 020)	898 745 320	738 000	898 007 320
-------------------------------------	-------------	---------	-------------

Бухгалтерия ҳисобида ҳар ой сувдан фойдаланганлик учун солиқ суммаси акс эттириб борилган ва 2020 йил 1 яримйиллик учун жами 410522.0 минг сўм солиқлар ҳисобланган.

2.4.3 Юридик шахслар мол-мулк солиғи.

Жамият 2020 йил учун мўлжалланаётган солиқ солинадиган база учун солиқ ставкаси ва солиқ суммаси акс этган маълумотнома куйидагича тақдим этилган:

Кўрсаткичлар	Сумма
Мўлжалланаётган солиқ солинадиган асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати	1305082558.05
Солиқ ставкаси, %	2
Солиқ суммаси	26 101 651.16
январь	2175138.00
февраль	2175138.00
март	2175138.00
апрель	2175138.00
май	2175138.00
июнь	2175138.00
июль	2175138.00
август	2175138.00
сентябрь	2175138.00
октябрь	2175138.00
ноябрь	2175138.00
декабрь	2175138.00

Бухгалтерия ҳисобида ҳар ой мол мулк солиқ суммаси акс эттириб борилган ва 2020 йил 1 яримйиллик учун жами 13050828сўм солиқлар ҳисобланган.

2.4.4 Ижтимоий солиқ ҳисоби аудити.

Жамият ижтимоий солиқ тўлови ҳисоблаш ва тўлашда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг тегишли моддаларига амал қилган ҳолда фаолият юритган.

Жисмоний шахсларга 2020 йил 1 яримйиллик давомида жами 9 838 491.5 минг сўм иш ҳақи ва унга бошқа даромадлар ҳисобланган. Шундан 9 794 933.2 минг сўм сумма солиқ солинадиган базаси сифатида қаралиб ижтимоий солиқ тулов ҳисоб китобида кўрсатилган.

№	Кўрсаткичлар	Бухгалтерияда	Ҳисоботда	Фарқи
ИЖТИМОЙИЙ солиқ				
1	Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар	9 794 933 233.93	9 794 933 233.93	
2	Имтиёз	38002961.27	38002961.27	
3	ИС ҳисобланадиган база	9756930272.66	9756930272.66	-
4	Ставка	12%	12%	
5	ИС суммаси	1170831632.72	1170831632.72	-
6	Қўшимча ҳисобланган ИС	0	0	-
7	Бюджетга тўланадиган ИС	1170831632.72	1170831632.72	-

Ягона ижтимоий тўлов ҳисоботида 38002.9 минг сўм иш ҳаққи даромадлари солиқ солинадиган базадан имтиёз сифатида қамайтирилган. Ушбу имтиёз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05 январь 2006 йилдаги ПФ-3706 сонли Фармонининг 3 бандига асосан меҳнат шартномаси асосида қасаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинган.

Ҳисоботда ҳисобланган солиқлар бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан мос келади.

2.4.5 Жисмоний шахслардан даромад солиғи ҳисоби аудити.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушланишининг тўғрилиги танлаб текшириш асосида амалга оширилди.



Жамиятда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисобланиши ва тўланиши солиқ кодексининг тегишли моддаларига асосан амалга оширилади.

ДСИ га топширилган ҳисоботларга кўра 2020 йил 1 яримйиллик давомида жамият томонидан 372 нафар жисмоний шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида ва бошқа даромадлар шаклида жами 9838491.5 минг сўм даромадлар ҳисобланган.

Жами ҳисобланган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи 2020 йил 1 яримйиллик учун 1165338.3 минг сўмни ташкил этган.

2020 йил 1 яримйиллик якунлари бўйича жисмоний шахслар даромадларидан даромад солиғи ҳисобланиши бўйича ДСИ га топширилган ҳисоб китоб 2 иловасида қўлланилган имтиёзлар кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра жами 127338833.75 сўмлик СК 378 моддаси ва 379 моддаларига асосида жисмоний шахслар даромад солиқ имтиёзлари қўлланган. Имтиёзлар таркибида жисмоний шахсларнинг олий таълим муассасасида тўлов контракт суммаларини қоплашга йўналтирилган иш ҳақлари, СК 377 моддасида келтирилган шартлар асосида моддий ёрдам суммалари, 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари учун иш ҳақининг энг кам миқдорига нисбатан белгиланган имтиёзлар учратиш мумкин. Имтиёзлар тўғри қўлланилиши таҳлил қилинганда фарқлар аниқланмади.

2.4.6 Кўшилган қиймат солиғи.

Жамиятда кўшилган қиймат солиғининг ҳисобланиши Солиқ кодексининг тегишли бўлимига асосан амалга оширилган.

2020 йил 1 яримйиллик давомида корхона ҚҚС солиқ солинадиган айланмалари 16366812356.83 сўмни ташкил этган. ҚҚС ҳисоботи кўриниши эса қуйидагича бўлган:

№	Кўрсаткич	сатр коди	сумма		
			бухгалтерияда	Ҳисоботда	фарқи
1	Ҳисобга олинадиган ҚҚС	10	1323919027.85	1323919027.85	
2	Товарлар реализациясидан ҚҚС	20	2406291217.09	2406291217.09	
3	Бюджетга тўланадиган ҚҚС	30	1082372189.24	1082372189.24	

2.4.7 Юридик шахслар фойда солиғи ҳисоби.

Жамият юридик шахслар фойда солиғини Солиқ Кодексининг тегишли моддаларига асосан ҳисоблаган ва бюджетга тўлаган.

2020 йил 1 яримйиллик давомида ДСИ га топширилган ҳисоб китобларга кўра, фойда солиғи солиқ солиш базаси 15 333 773.4 минг сўмни, чегирилмайдиган харажатлар 1 973 395.6 минг сўмни ташкил этган. Фойда солиғи ҳисоб китоби 2-Илова чегирилмайдиган харажатлар таркиби бўйича фарқлар аниқланмади. Фойда солиғи ҳисоб китоби солиштирма жадвали қуйидагича:

КўРСАТКИЧЛАР, МИНГ СўМДА	ЖАМИЯТ	АУДИТ	ФАРҚ
Солиққа тортиладиган фойда	15646707559.81	15646707559.81	0,00
Солиққа тортиладиган фойда камайтириш	312934151.2	312934151.2	0,00
Солиқ солинадиган база	15333773408.61	15333773408.61	0,00
Солиқ ставкаси %	15%	15%	
Фойда солиғи суммаси	2300066011.29	2300066011.29	0,00

Ҳисобот бўйича жиддий фарқлар аниқланмади.

2.5 МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ПАЙТИДА ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШINI ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ

Меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини асосий тамойилларини танлама усулида текширилганда корхонада қонун бузилиш ҳоллари аниқланмади.

Солиқ қонунчилигига амал қилиниши бўйича қонунбузилиш ҳоллари аниқланмади.

Адлия вазирлиги томонидан 22 июнь 2015 йилда 2687-сон билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қондалари», пул маблағларини ҳисобга олишни тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.1999 йилги «Меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоб китобларни ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан министрликлар идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларини жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори талабларини бузиш ҳоллари аниқланмади.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг 21.12.2004 йилги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни талаблари бажарилмокда. Жамиятда асосий иш жой Жамият ҳисобида ишловчиларнинг барчасига Халқ банки бўлимида пенсия дафтарчалари очилган. Халқ банкига ҳар ойда маблағлар ўтказиб келинган.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 май 1995 йилда қабул қилинган ПФ-1154 сонли “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” фармон талабларини бузиш ҳоллари аниқланмади. Махсулотларни энг камида 15% олдиндан тўлов бўлмасидан ортиб жўнатиш ҳолларига йўл қўйилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 504-сонли 17 ноябрь 1999 йилги «Меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоб китобларни ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан министрликлар идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларини жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори талабларини бузиш ҳоллари аниқланмади.

2.6 ИЧКИ НАЗОРАТНИНГ ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТўҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.

Жамият ички назорат ҳолатини текшириш қуйидагилардан иборат:

ички назорат тизимини ва унинг фаолият кўрсатишидаги мавжуд камчиликларни баён этиш;
корхона таркибий бўлинмаларидаги ижро интизомининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар,
унинг аниқ ходимлари ишидаги мавжуд камчиликлар.

Ушбу ҳисобот, активларнинг ҳолатини текшириш натижалари активларни инвентаризациядан ўтказишнинг асосланишини ҳамда уларнинг ҳаракати, амалда мавжудлиги ва сақланиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Шунингдек ўтказиладиган текширишлар бўйича барча ҳисоботларда корхона ижро этувчи органи ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти баҳоланишини, аниқланган четга чиқишлар ва қонунни бузишларни бартараф этишга доир тавсияларни, тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига олади.

Активлар тўғри ва тўлиқ сақланишини таъминлаш мақсадида жамият моддий жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик шартномаларини имзолайди. Шартномада моддий жавобгар шахс мажбуриятлари, шартнома амал қилиш муддатлари ва ходимнинг паспорт маълумотлари келтирилади.

Бошқа ходимлар билан меҳнат шартномалари имзоланади. Ходимларни ишга олиш, активлар тўғри сақланиши қонунчилик ва жамият ички тартиб қондалари асосида амалга оширилади. Жамиятда бухгалтерия ҳисобини юритиш бухгалтерия(ҳисоб) бўлимига юклатилган. Ташқи фойдалаувчилар учун молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ҳисоб бўлимига юклатилган.

Молиявий хўжалик операциялар билан боғлиқ ҳужжатлар тегишли тартибда юритилган ва сақланмокда.

Ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш учун жамият назорат муҳити қуйидаги босқичлари таҳлил қилинди:

- бошқарув асосий тамойиллари;
- жамият ташкилий тузилмаси;
- ҳуқуқ ва мажбуриятлар тақсимланиши;
- ходимлар билан ишлаш;
- молиявий ва бошқарув ҳисоботларини тайёрлаш ва ишлаб чиқиш жараёнлари;

Ички аудит томонидан жамият ички назорат ва бухгалтерия ҳисоби тизими ҳолати текширилди. Текширув АВ томонидан 2007 йил 12-апрел №1673 сон билан рўйхатга олинган аудит стандарти

асосида амалга оширилди. Бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назорат тизимлари ҳолатини баҳолаш учун қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- Бухгалтерия ҳисоби тизимига баҳо берилди;
 - текшириш давомида шу нарса аниқландики барча хужалик операциялари раҳбариятнинг тегишли буйруқлар асосида амалга оширилади, шартнома, далолатнома буйруқ ва бошка тегишли хужжатларда раҳбариятнинг имзолари мавжуд.
 - хужалик операциялари буйича даромад ва харажатлар қайси даврда амалга оширилган бўлса уша давр ҳисобида акс эттирилган
 - хужалик операциялари тегишли хужжатлар асосида ҳисобда акс эттирилган, танлаб текширув утказилганда илова қилинган хужжатлар буйича хатоликлар аниқланмади.
- Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда жамият бухгалтерия ҳисоби тизими ЎЗР қонунчилик талаблари доирасида амалга оширилганлиги хулосасига келиш мумкин.

3 ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛ ТАҲЛИЛИ

Кўрсаткичлар	Йил охирига	Норма	Изоҳ
Тўлов қобилияти коэффициенти	4.62	$K > 1,25$	Тўловга лаёқатли
Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	0.78	$K > 0,2$	Ўз айланма маблағлари билан таъминланган
Харажатлар рентабеллиги коэффициенти	0.17	$K > 0,05$	Харажатлар рентабелли
Активлар рентабеллиги коэффициенти	0.31	$K > 0,05$	Активлар рентабелли
Молиявий мустақиллик коэффициенти	5.30	$K > 1$	Молиявий мустақил
Асосий воситалар эскириш даражаси	0.67	$K > 0,5$	Асосий воситаларининг эскирганлик даражаси юқори

Аудитор хулосаси: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг томонидан 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сонли “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш РЕГЛАМЕНТИ” асосида аниқланган кўрсаткичларга асосланган ҳолда Жамиятни молиявий ҳолатини барқарор(к группе "состоятельных") гуруҳига киритиш мумкин.

4 ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Ички аудит текширувининг мақсади жамият молиявий ҳисоботларининг қонунчилик талаблари доирасида эканлиги, ишончилиги ҳақиқийлигини, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг амалдаги ҳолатини баҳолаш ҳисобланади. Ўтказилган ички аудит текшируви аудит хулосасини бериш учун етарли бўлди деб ҳисоблайман.

«BIOKIMYO» акционерлик жамиятининг 2020 йил 1 яримйиллик молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари буйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлар



Холмирзаев А.А.

Баратов О.А.